

---

## Қарорлар амалда бажарилмоқда

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш, ушбу бебаҳо неъматни тежаб ишлатиш, тоза ичимлик сувини исрофгарчилигига йўл қўймаслик бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Туман ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилмалар билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, маданият, ҳамда соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа инфратузилма обьектларни яхшилаш, бўйича Президентимизнинг ПҚ-408-сонли қарори бўйича Бешарик туман ҳокимлиги томонидан маҳаллаларда кенг кўламли ишлар йўлга қўйилган.

Шу жумладан қўйи Зарқайнар МФЙда 4 км масофадан тармоқ тортиш ишлари олиб борилмоқда . Туман ҳокимлиги томонидан 1 миллиард 70 миллион сўм ажратилган бўлиб Тутзор, Хумо, Шафтолизор кўчалари тўлиқ ичимлик суви билан таъминланмоқда.

Курилиш ишлари ҳокимликнинг маъсул ҳодимлари томонидан узлуксиз кўзатиб борилмоқда.

2023-04-11 15:43:44